



VATANDOSHLAR

ЗНАТЪЛТУЪЛЪГЪЗЪСЪРЪЙЪ

№1, 2025 йил, 27 июнь

vatandoshlar.uz

[vatandoshlar_fond](https://t.me/vatandoshlar_fond)

[vatandoshlar_fondi](https://www.instagram.com/vatandoshlar_fondi)

[vatandoshlarfondi](https://www.facebook.com/vatandoshlarfondi)

[@Vatandoshlar](https://www.youtube.com/@Vatandoshlar)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!

Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, ҳурматли журналистлар, мухтарам фахрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоён медиаоламда холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ушбу қутлуғ айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар!

Атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, **“Матбуот тарихи – Ўйғониш даври тарихининг бир бўлагидир”**.

Биз кейинги йилларда, улуғ аجدодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шарт ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янгича мулкый муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиаконтентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти қўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардош лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр маҳсулотлари фойда солиғидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорида белгилангани, қўшилган қиймат солиғини



қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект

технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиш билан бирга, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбининг, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонкуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида холислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усуллари ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадрли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, бу йил “Олтин қалам” миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинида топширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равнақига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Доимо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан барака топинг, азизлар!

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР



Ўзбекистон спорт тарихида унутилмас саҳифа очилди – миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритиши ортидан Қатар терма жамоасини катта ҳисобда мағлубиятга учратди. Бу юксак ғалаба халқимизга улкан қувонч бахш этгани баробарида, давлат раҳбарининг бевосита эътибор ва иштирокини ҳам ўзида мужассам этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу муҳим беллашувни стадиондан туриб томоша қилди. Давлат раҳбарининг бевосита иштироки жамоамизга руҳий кўтаринкилик ва масъулият бағишлаганига барча гувоҳ бўлди. Учрашув якунида миллий терма жамоамиз 3:0 ҳисобида улкан ғалабага эришди.

Президентимиз ўйиндан сўнг футболчилар, мураббийлар ва жамоанинг бошқа аъзолари билан учрашди. Бу учрашув фақатгина табриклаш билан

чекланиб қолмай, давлатимиз раҳбари томонидан миллий терма жамоамиз вакиллари ва спорт соҳасида фаолият юритаётган бир гуруҳ фидойи мутахассислар муносиб тақдирланди.

Хусусан, футболчиларга “Ўзбекистон ифтихори” кўкрак нишонлари тантанали тарзда топширилди. Шунингдек, футболчиларимиз, бир қатор мураббийлар ва бошқа фаоллар “BYD” русумли автомобиллар билан мукофотланди. Бу эса давлатимиз раҳбарининг спортга, айниқса, ёш авлод тарбиясида спортнинг тутган ўрнига юксак эътиборини яна бир бор намоён этди.

Ушбу воқеа нафақат спорт жамоатчилиги, балки бутун Ўзбекистон халқи учун фахрли дақиқалар сифатида тарихга муҳрланади. Бу ғалаба – жамоавий меҳнат, фидойилик ва давлат раҳбари томонидан яратилаётган имкониятларнинг ёрқин ифодасидир.

Жавоҳир Раҳимов

МОСКВА САҲНАСИДА ЎЗБЕКЧА БАҲОР



Санъат бу – халқ руҳиятининг акс-садоси. У юракдан юракка ўтадиган забонсиз сўз, аجدодларнинг миллат бойлигини асрлар оша авлодларга етказувчи восита. Ана шундай буюк маънавий кучни умр бўйи тарғиб қилган, уни нафислик, фидойилик ва садоқат

билан юксак чўққиларга олиб чиққан инсонлардан бири – Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстр, “Баҳор” рақс ансамбли асосчиси, бетакрор санъат арбоби Мукаррама Турғунбоева эди.



Унинг ҳаёти санъатга бахшида бўлгани каби, ўзбек миллий рақсининг такомилига, халқаро танловлардаги эътирофига ҳам жуда катта ҳисса қўша олган десак, муболаға бўлмайди. Мана шу фидойи зотнинг бетакрор ижоди Москва шаҳридаги “Ўзбекистон” павилонида ўтказилган хотира тадбирида яна бир бор жонланди, тикланди, қалбларни ларзага солди.

Тадбир Москва давлат лингвистика университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва маданияти маркази, “Анор гули” жамоат ташкилоти, Ўзбекистон

Республикасининг Россиядаги элчихонаси ва “Ватандошлар” жамоат фонди кўмагида уюштирилди. Бу ҳамкорлик бир маслак атрофида – ўзбек маданиятини чет элларда тарғиб қилиш, буюк сиймолар хотирасини



ардоқлаш, ватандошлар орасида бирлик ва маънавий уйғоқликни мустаҳкамлаш мақсадига йўналтирилган эди.

Тадбирга санъат аҳли, ёзувчи-шоирлар, рассомлар, талабалар, ўзбек диаспораси вакиллари ва кенг жамоатчилик қатнашди. Уларнинг ҳар бири Мукаррама опа сиймосини илиқ ёдга олиб, унинг ўзбек миллий рақси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини эътироф этдилар.

Тадбирнинг энг таъсирли дақиқалари эса “Нилуфар” рақс ансамбли томонидан тақдим этилган саҳна чиқишлари бўлди. Нафис ҳаракатлар, миллий оҳанглар уйғунлигидаги бу чиқишлар Мукаррама Турғунбоева мактабининг ҳамон ҳаёт эканидан далолат берди.

Мукаррама Турғунбоева нафақат раққоса, балки у бутун бир давр, бутун бир миллий маданиятнинг элчиси ҳам эди. У жаҳон саҳналарига ўзбек рақсини олиб чиқди, унга руҳ ва юксак эстетик завқ бағишлади. Қайси томондан қаралмасин, у яратган мактаб ҳануз ўз кучини йўқотмаган, аксинча, замонавий санъатда ўз ўрнига эга, аслига содиқ намунавий мактаб бўлиб келмоқда.

Тадбир давомида ватандош фаоллар, талаба ёшлар, жамоат арбоблари томонидан маданий меросни асраш ва уни тарғиб қилиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз борди. Айниқса, чет элларда яшаётган ўзбекистонлик ёшларнинг бу борадаги фаолияти алоҳида мамнуният билан эътироф этилди.

Бу эсдалик тадбирини нафақат бир санъаткор хотирасига бағишланган маросим, балки маданият орқали миллий бирлашув, руҳий уйғониш ва халқлар дўстлигининг ёрқин намунаси бўлди дейиш мумкин.

Акмал Шофайзиев



“ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИ – КЎНГИЛЛАРНИНГ КЎПРИГИ ЎТГАН ЙЎЛ, ЯНГИ САҲИФА



Тўрт йил тарих саҳифасида бир лаҳзадек кўринса-да, лекин бу қалбларда чуқур из қолдириш учун етарли давр ҳисобланади. “Ватандошлар” жамоат фонди фаолиятининг илк кунларини эслар эканмиз, қалбимда ифтихор ва миннатдорлик туйғулари жонланади. Ўшанда биз бир орзуга, бир ғояга – юртдан олисда бўлса-да, қалби Ўзбекистонга боғланган ватандошларимизни бирлаштириш мақсадида бел боғлаган эдик.

Бугун ортга бир назар ташлаб, бу орзу амалга, бу шарафли ғоя эса ҳақиқатга айланганини кўриб турибмиз. Ўтган тўрт йил ичида биз дунёнинг турли нуқталарида 300 дан ортиқ маърифий-маданий тадбирлар ўтказдик. Бу рақамлар оддий бир статистика эмас. Бу – юзлаб учрашувлар, минглаб қувончли кўз ёшлар, юракдан чиққан самимий миннатдорчиликларнинг жамланмаси.

Биз ватандошларимиз аро элчилар бўлдик – юртимизда равнақ топган адабиёт, санъат, тил, урф-одат элчилари. Ҳар бир тадбирда, ҳар бир суҳбатда Ўзбекистон нафақат юртдошларимиз юрагини забт этди, балки у яшаб турган юртларнинг ҳам меҳрини қозонди. Маданий кечаларимизда жаранг сочган куй-наволар, юрт ифорини олиб келган китоблар, элхотирасини жонлантирган фотоқўрғазмалар – буларнинг барчаси юраклар аро кўприк вазифасини ўтай олди.

Бугун эса биз янги саҳифани очмоқдамиз. “Ватандошлар” жамоат фондининг электрон газетаси – бу нафақат янгиликлар манбаи, балки юртдошларимизни бирлаштирувчи, уларни ватани билан боғловчи яна бир мустаҳкам ришта бўлади. Мазкур газета орқали биз Янги Ўзбекистонда



кечаётган ислохотларни, маданий янгиликларни ўз ватанини соғинган қалбларга етказамиз. Шу билан бирга, хориждаги ватандошларимизнинг ҳам ижодий намуналарини ёритиб боришни мақсад қилганмиз. Бу йўл билан эса бир-биримизни янада яқинроқ ҳис қиламиз.

Бу сафар ҳам ёлғиз эмасмиз – биз билан бирга савобли йўлга чиққан, ҳар бир тадбирда, ҳар бир ҳаракатда бизни қўллаб-қувватлаган ватандошларимиз бор! Сизларнинг меҳрингиз ва ишончингиз бизга илҳом, куч бағишлайди.

Газетамизга оқ йўл тилаймиз!

У юракларимиз овози ўлароқ жаранг сочсин. Ўтмишдаги ҳар

бир изланишимиз, ҳар бир ютуғимиз, ҳар бир қадамимиз – мана шу янги саҳифанинг пойдевори бўлсин!

Шу ўринда барча оммавий ахборот ходимларини бугунги байрам, “27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

“Ватандошлар” жамоат фонди бошқарув раиси,
Одилжон Саттаров

ЮРТ БИЛАН УЙҒУН БЕҒУБОР ОРЗУЛАР

1 июнь – Халқаро болалар куни. Бу сана дунё бўйлаб барча болаларга қувонч улашадиган, гўзал ёшликни улуғлайдиган кун. “Ватандошлар” жамоат фонди учун эса бу фурсат узоқда ўсаётган ватандош фарзандлар қалбига илиқлик улашиш, уларнинг орзулари, қувончи ва маданий ўзлигини эъзозлаш имконидир.

Шу боис, бу йилги болалар байрами арафасида Фонд ташаббуси билан дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган ватандош болалар учун кенг қамровли кўнгилочар ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Тадбирлар доирасида ранг-баранг мусобақалар, спорт ўйинлари, турли кўрик-танловлар, театр саҳналари, она тилидаги эртақлар марафони, болалар кўшиқлари, рақс ва расм санъати бўйича танловлар бўлиб ўтди. Ҳар бир тадбирда болалар нафақат иштирокчи, балки байрамнинг марказий қаҳрамонига айланишди.

Фонднинг ҳамкор ташкилотлари иштирокида уюштирилган бир қатор тадбирларда фарзандлар ўзбекона



муҳитда қувончли дамларни ўтказди. Уларга эсдалик совғалари тарқатилди. Айниқса, болаларнинг ижодий ишлари – тасвирий санъат намуналари, ёдланган шеърлар, ижро этилган куй-қўшиқлар юртдан олисда бўлса-да, она диёрга бўлган беғубор муҳаббатни яққол ифодалаб берди.

Бир она ўз фарзандининг расм чизаётганини кузатар экан, кўзида ёш билан дил изҳорларини яширолмай сўзларди:

– У биз билан хорижда улғаймоқда, аммо юрагида Ўзбекистон. Дўмбира не эканини интернетдан ўрганмоқда, миллий қаҳрамонларимиз ҳақида

савол беради, қадимий ва тарихий шаҳарлар хусусида сўрайди. Сизлар болагини унутмасликка ёрдам беряпсизлар. Ташаккур!

Бу сўзлар – фонд фаолиятининг ҳақиқий самарасидир. Чунки “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил топган илк кундан бошлаб, хориждаги ватандошларнинг ижтимоий-маданий ҳаётини бойитиш, уларнинг ватанга бўлган боғлиқлигини мустаҳкамлаш йўлида мунтазам фаолият юритиб келмоқда.

Бу йилги 1 июнь тадбирлари эса ўз қамрови, иштирокчилар сони ва мазмуни жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этди. Болаларга фақатгина

кўнгилочар дастурлар эмас, балки Ўзбекистоннинг маданий мероси, тарихи, тили ва қадриятлари ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳам етказилди. Айни пайтда, ота-оналарга ҳам маданиятлараро тарбия, фарзандга ўзликни англатиш масаласида психологик ва педагогик маслаҳатлар берилди.

Фонднинг бу ташаббуси нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари томонидан ҳам илиқ кутиб олинди. Чунки ҳар бир бола – бу келажак, ҳар бир меҳр – бу илдиш.

“Ватандошлар” жамоат фонди ишонадики, бугун хорижда ўсаётган болалар эртага ўз юрти билан фахрланадиган, миллий маданиятини асрайдиган, Ўзбекистоннинг дунёдаги ёрқин юзи бўлиб шаклланади. Шундай экан, уларнинг болагини байрамга айлантириш – барчамизнинг маънавий бурчимиздир.

Байрамлар ўтади. Аммо болаликда қалбга жойланган биргина илиқлик умр бўйи унутилмайди. Ана шундай илиқликни улашиш биз учун шарафдир.

Абдурауф Зокиров

ВАТАНДОШЛАР ИЗҲОРИ

“Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган “Чинор” лойиҳаси юқори савияда ташкил этилиб, кўтаринки руҳда ўтмоқда. Тадбирнинг шукуҳи иштирокчиларга қизғин илҳом бахш этиб, дил изҳорларини қоғозга туширишга ундамоқда. Ушбу лойиҳанинг қатнашчиларидан бири Фонд ҳақидаги фикрларини назмий кўринишда қуйидагича ифодалайди.

ТАШАККУРНОМА

Ўзбекистон элида
Ажиб бир жамғарма бор.
“Ватандошлар”дир номи,
Саховатда устувор.

Турли лойиҳаларда
Турлича иш бўлади.
Бу гўзал ташаббусдан
Барча кўнгил тўлади.

Шулардан бири – “Чинор”,
Чинор каби улуғвор.
Кексага бор эътибор,
Бунда зўр қадрият бор.

Ўзбек деган миллатнинг
Беқиёс урф-одати.
Кексасини ардоқлаб,
Ортади саодати.

Заминнинг ҳар еридан,
Лойиҳага очиқ йўл.
“Ватандошлар” ҳаммани
Қутиб олар очиқ қўл.

Ватандошлар бизларни
Тўплади бир Ватанга.
Гўзал ота юрт салом,
Салом Ўзбекистонга!

Чинорнинг бир япроғи
Бўлганимга минг шукр,
Ватандошлар фондига
Айтаман минг ташаккур!

Лобар Юлдашова
“Чинор” лойиҳаси
иштирокчиси

ШОНЛИ ЙЎЛ МУБОРАК,
ШУНҚОРЛАР!

ҳис қилдим, улар билан қўшилиб тўп сурдим гўё. Ўзбекистон тарихи чин маънода янгиланди дейиш мумкин. Ўзбек номи жаҳон минбарида, майдонида улуғланди.

Ўзбекистон байроғи само қадар юксалди. Дарвозабоннинг тимсолида Мангубердини кўргандек бўлдим.

Ўзбекистон футбол жамоасининг ўйинини ойнайжаҳон орқали оний лаҳзалар аро кузатар эканман, ўзимни футбол майдонида юргандек

Азалдан диллари-дилларига туташ Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари мустаҳкам қўшничилик, қуда-андалик ришталари билан боғланиб келган. Қўшнининг уйда сурнай сози янграса, ҳовлисида рақс тушадиган беғубор халқимиз бор.

Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатига йўл олиши Қозоғистон учун ҳам чинакам байрам бўлди дея оламан. Туб томири битта туркий миллатга мансуб эллар шак-шубҳасиз дилдан суюндилар. Ўзбек бовурларимиз, ўзбек қондошимиз деган гапларни кўп эшитяпмиз.

Дил истакларим шоирона оҳангларга айланиб кетди. Бу тилда булбул бўлиб куйламасликнинг иложи йўқ. Дунё бугун Ўзбекларни яна бир боратан олди дея бемалол айта оламан. Ўзбекнинг Абдуқодирлари кўп нарасага қодирлигини бутун олам эътироф этди.

ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИГА

Ўзбек деса, ўзагимда чинор кўкка ўрлагай,
Бугун ўзбек жаҳон узра тўйлар қилиб тўйлагай.
Тан олмаслар қарсак чалиб томонига ўтганда
Бўйларимда боболарнинг шод руҳлари бўйлагай.

Қуёш чиқди қора булут кетди йироқ-йироққа,
Униб чиқди неча йиллар экканларинг тупроққа.
Ҳар бешикда улғаймоқда қанча-қанча ўғлонинг,
Кун келади ўз юлдузин қадаб кўяр байроққа.

Дўстинг ким деб сўрар бўлса, ёнимдаги сен дейман,
Томирдаги қон биттадир, жонимдаги сен дейман.
Дунё дўппинг бошга кийди, ош ейишни ўрганди,
Тўйга чақир, мен ҳам сенинг ҳалол ошингдан ейман.

Янги бўлди Ўзбекистон, янги бўлди тарихинг,
Ортада қолди барча ғамлар, барча кўз ёш ва йиғинг.
Баланд-баланд минордамас, ҳар юракда ҳилпирар,
Ҳар чизиғи шараф берган, шариф-шариф шон туғинг.

Отанг билан кетмон чопдинг, унмагани ундириб,
Онанг билан ширмой ёпдинг, тўймагани тўйдириб.
Футбол ўйна, улкан марра кутар сени интизор,
Ғалабангни нишонлаймиз қирқта қўйни сўйдириб.

Ўзбек деса, ўзагимда чинор кўкка ўрлагай!..

Элдорбек Татиев,
Қозоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Муассис:
“Ватандошлар”
жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари:
Одилжон Саттаров

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз:
100090, Тошкент шаҳри, Бобур
кўчаси, 45-уй